

---

## ФАРҒОНА ШАҲРИДА 6 НАФАР ЕТИМ ВА ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН ЁШЛАР ЎЗ КВАРТИРАЛИГА ЭГА БЎЛДИЛАР

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Фарғона шаҳрида 6 нафар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларга ажратилган хонадонларнинг калитларини топширди.

Давлатимиз раҳбари томонидан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рӯёбга чиқариш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Ўтган иили вилоятимиз бўйлаб 18 ёшга тўлган 29 нафар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларга кўп квартирали уй-жойлардан квартира тақдим этилган бўлса, бу йил 17 нафар йигит-қиз таъмирланган ва тўла жиҳозланган уй-жойлар эгасига айланишмоқда. Ушбу мақсад учун Президентимиз кўрсатмаси билан республика бюджети маблағларидан 2 миллиард 412 миллион сўм уй-жойлар сотиб олишга ажратилган бўлса, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари маҳаллий бюджетнинг орттириб бажарилган қисмидан маблағ сарфланди.

Бугун Фарғона шаҳрида 6 нафар ёшлар – Эрика Рибалко, Алина Кабилова, Мадина Атаева, Нозимахон Эргашева, Акбархон Каримов ва Умид Шерматов ўз номларига расмийлаштирилган квартиralар калитларини вилоят ҳокими қўлидан қабул қилиб олдилар. Уларнинг барчаси доимий иш ўрнига ҳам эга бўлдилар.

Жорий йил якунига қадар вилоятимизда яна 11 нафар – Марғilonda 6 нафар, Ўзбекистон туманида 2 нафар, Фурқат туманида 2 нафар ва Бувайда туманида 1 нафар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёшлар уй-жой билан таъминланади.

Вилоят ҳокими билан мулоқот қилган ёшлар, Президентимизга чексиз миннатдорчиликларини изҳор этиб, келажакда эл-юртга садоқат билан хизмат қиласиган инсонлар бўлишга ваъда бердилар.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-11-19 19:38:39